

## **ЎЗБЕКИСТОН МИҚ Р-86-ФОНДИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ (1924-1941)**

**И.Н.Нематов**

ЎзМУ Тарих факултети

“Ҳужжатчилик, ҳужжатшунослик

ва архившунослик” йўналиши

2 босқич магистри

**Анотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистон Миллий Архивида сақланаётган Р-86 Ўз ССР М.И.Қ фонди рўйхатлари таҳлил этилган. Шунингдек, фонд рўйхатлари, ҳужжат турлари, тили, алифбоси, ўлчамлари ташқи таҳлил методи асосида кўриб чиқилди.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон ССР, Ўз МА, МИҚ, йиғмажилд, фонд, рўйхат, ҳужжат, архив, йўл кўрсатгич, тезис.

Бугунги кунда ҳаётимизни расмий ҳужжатларсиз тасаввур этиш қийин. Ҳужжатлар жамият, давлат ва шахсий муносабатлар жараёнида вужудга келади. Аммо ҳужжатларнинг тарихий манба бўлиб шаклланишида ҳам маълум бир босқичлар мавжуд. Архивларда сақланаётган ҳужжатлардан кам қисми доимий сақлаш учун қабул қилинади. Қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам тарихий манба сифатида намойон бўла олмайди. Улар жамият томонидан илмий истеъмолга киритилсанга тарихий манба ҳисобланади.

Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, дастлабки ташкил этилган органлардан бири бу Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия қўмитаси бўлиб, унинг 1924-1941 йилларга оид архив ҳужжатлари ЎзМАда эди. Республикада ушбу орган қонунчилик орган бўлиб, унинг фонди таркибида бугунги кунда 10 мингдан ортиқ йиғмажиллар сақланиб, улар таркибида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий, маданий, сиёсий жараёнлар тарихини ёритиб берувчи муҳим маълумотлар сақланган.

Фонд таркибидаги 1924-1941 йилларга оид йиғмажиллар ҳақидаги маълумотларни олишда 1960 йилда тузилган Л.М.Ланда [1] таҳрири остидаги йўл кўрсатгич алоҳида ўрин тутиб, ушбу йўл кўрсатгич ҳозирги кунгача совет даврининг (1925-1941) йилларига тегишли фонdlар ҳақида маълумот берувчи асосий қўлланма ҳисобланади [2].

Ҳозирда фонд таркибida №1, №2, №10 рақам остида учта йиғмажиллар рўйхати (кейинги ўринларда рўйхат деб берилади) тузилган бўлиб, 1960 йилда ишлаб чиқилган йўлкўрсатгичда фонд таркибida 8373 та йиғмажилд сақланганлик ҳақида маълумот берилган. Аммо фонд таркибida сақланаётган рўйхатлар сўнгидаги архив ходимларининг қайдномалар таҳлилига кўра, фонд бўйича жами 1094 та йиғмажилд сақланган [3]. Фонднинг рўйхатлари (кейинги ўринларда рўйхат деб берилади) кириш, алифбо бўйича қисқартма сўзлар изоҳи, мундарижа ва асосий қисмлардан иборат. Шунингдек, фонд таркибидаги қимматли ҳужжатлар асосида “Алоҳида қимматли” йиғмажиллар рўйхати ҳам тузилган. Фонд 1-рўйхатининг хронологик даври 1924-1941 йилларга тегишли архив ҳужжатларини қамраб олган.

Бугунги кунда архивларда ҳужжатлар кўринишига кўра қоғозли, микрофильм ва рақамли нусхаларда сақланади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, фонднинг йиғмажиллар рўйхатларида ҳужжатларнинг микрофильм нусхалари мавжудлиги тўғрисида маълумотлар қайд этилмаган [4].

Р-86- фонди ҳужжатларининг таҳлилига кўра, ҳужжатларнинг матнлари асосан рус ва ўзбек тилида қайд этилган. Аммо маълумотларнинг катта қисми рус тилида қайд этилган бўлса-да, ҳужжатларда бир томонида рус тилида, бошқа бир томони араб алифбосидаги ўзбекча ёзилган ҳужжатларни ҳам кўплаб учратиш мумкин [4]. Бундан ташқари 1927 йилдан кейинги давр ҳужжатларида лотин алифбосидаги ўзбекча маълумотлар учрайди [5]. 1931 йилга тегишли айрим йиғмажилларда ҳужжатлар кирил, лотин ва араб алифбосида ёзилган матнлар ҳам учрайди. Масалан, 1-рўйхатнинг 3706- йиғмажилдини бунга мисол қилиб келтириш мумкин [6].

Йиғмажилларда хабарнома, маъруза, баённома, ариза, сметалар, ҳисоботлар, буйруқлар, тезислар, декларациялар, телеграмма, тавсифнома, далолатнома, гувоҳномалар, маълумотномалар, талонлар, карточка, ишончномалар, зарбдор ишчи карточкаси (карточка ударника) [7], мандатлар каби 40 дан ортиқ хужжат турлари учрайди.

Архивда сақланган хужжатларнинг ҳажм ўлчовлари турли хил ўлчамларга эга. Масалан, тезкор маълумот хужжатларининг эни 22.17 см бўйи 23.17 см ҳажмли, араб алифбосидаги хужжатларнинг баъзилариниг эни 20.22 см бўйи 27.22 см ни ташкил этади. Айрим ҳолатларда кирил алифбосидаги тезкор хужжатлар эни 16 см бўйи 22 см [8], хизмат қайдлари хужжатларининг эни 23 см бўйи 21 см бўлса, базиларининг бўйи 23 смни ташкил этади [9]. Хужжатлар ичida энг катта ўлчамга эга хужжатлардан бири жадвал ҳужжатлари бўлиб, уларнинг эни 32 см бўйи 34 см, йиғмажилд ичига сифмаган қисмлари буклаб қўйилган [10]. Ўзбекистон Миллий архиви Р-86 фондининг 110 йиғмажилдидаги хужжатлар ичига гувоҳномалар ва уларнинг нусхалари ҳам учрайди. Ушбу гувоҳномалар шаклан қофоз бўлиб, ҳозирги замонавий кўринишдагига яқин гувоҳномалар ҳам учрайди. Гувоҳноманинг ички қисмига расм ёпиширилган ва рус тилида кирил алифбосида ҳамда эски ўзбек тилида лотин алифбосида босма ҳарфлар билан ёзилган. Хужжатларнинг устки қоплами қаттиқ картон қофоздан ясалган ва қулранг рангда, эни 10 см бўйи 7 см [11]. Бошқа турдаги гувоҳномаларнинг устки қоплами қизил рангда бўлиб, букилган ҳолатда эни 7 см бўйи 11 см бўлиб яхши ҳолатда сақланмаган [12]. Бошқа бир турдаги гувоҳномалар йўл-йўл қофозга сиёҳли ручка билан қўлда ёзилган. Гувоҳноманинг эни 14 см бўйи 20 см ни ташкил этади [13]. Тавсифномалар қўлда ва машинкада ёзилган турлари учрайди. Ушбу тавсифномаларнинг ўлчами 18x18 бўлиб машинкада терилган ва натариус томонидан тасдиқланган [14]. Буйруқдан кўчирма нусхаларида рус тилида кирил алифбосида босма ҳарфлар билан ёзилган ва сиёҳли ручкада котиб томонидан тузатишлар киритилиб имзоланган [15]. Телеграмма хужжатлари ҳам энг кўп учрайдиган тури бўлиб, улар жадвал кўринишида тузилган ва катта босма ҳарфлар билан рус-тилида ёзилган ҳамда қолган қисми қалам билан тўлдирилган [16].

Саноат моллари учун талонлар, нисбатан қалин қофозларда жадвал кўринишида бўлиб, машинкада босма ҳарфлар билан рус-тилида кирил алифбосида ва ўзбек тилида лотин алифбосида ёзилган ҳамда қўлда сиёҳли ручка билан ёзилиб муҳр босилган. Мисол учун “Saanat mallari usyn talonlar” эски ўзбек тилида – “Талоны на промтовары” кирил алифбосида рус тилида ёзилган, уларнинг эни 15 см бўйи 11 см [17].

Зарбдор ишчи карточкалар эни 10 см бўйи 17 см ли хужжат бўлиб, рус ва араб имлосидаги эски ўзбек тилида ва лотин алифбосида машинкада ёзилган, айрим жойлари сиёҳли кўк ручка билан тўлдирилиб ҳамда айлана шаклдаги муҳр билан тасдиқланган [18].

Йиғмажиллар новвотранг, бинафшаранг, оч қулранг рангдаги картон қофозли йиғмажилларда сақланган [19]. Йиғмажилларнинг асл ҳолатидаги муқоваларида яшил ва қизил рангли қалам ва сиёҳли ручкаларда ташкилот номи, йиғмажилдинг хронологик даври кўрсатилган [20].

Йиғмажиллар таркибидаги хужжатларнинг матни таҳлил этилганда жадвал кўринишида смета хужжатлари 1 ёки 2 бетдан иборат. Айрим хужжатларнинг архив сақловига олинишидан олдин саклаш шарт-шароитлари яхши бўлмаганлиги сабабли сиёҳлари бутун варақ бўйлаб ёйилиб кетганини [21], айримларида эса раҳбарлар томонидан қўлёзма шаклда таҳрирланган нусхалари ҳам учрайди [22]. Хужжатларнинг охирида раҳбарларнинг имзоси қизил, сиёҳли ручкада, котибларники кўк ва қизил сиёҳли ручкада қўйилган. Масалан, 2115 йиғмажилдинг 49-56-60 варакларидағи хужжатларида кўриш мумкин [22]. 2113<sup>a</sup> йиғмажилдинг 9-13 бетларида тўқ жигар рангдаги сиёҳли ручкаларда қўйилган имзолар ҳам мавжуд [23]. Бази ҳолатларда хужжатларни ёзишда А4 форматидаги катакли ва йўл-йўл қофозлардан ҳам фойдаланилган [24].

Ўзбекистон Миллий Архиви Р-86 фондининг 10-рўйхатидаги йиғма жиллар ичига нафақа учун йиғилган йиғмажиллар ҳам мавжуд. Бунга мисол тариқасида 110 йиғмажилдни келтириш мумкин [25]. Ушбу йиғмажилдинг юзи асл ҳолида сақланган бўлиб оч пушти рангда ва юз қисмига сиёҳли тўқ яшил ҳамда кўк ручкаларда қўлда ёзилган. Йиғмажилд бир шахсга тегишли бўлиб, унда меҳнат фаолияти давомида олинган хужжатлар жамланган [26]. Масалан, хизмат ёзишма хати (служебная записка) эни 14.3 см бўйи 20 см ни ташкил қиласи ва ушбу хизмат хати 1940 йилга тегишли бўлиб

эски ўзбек тилида лотин ҳарфларида билан ҳамда кирил алифбосида рус тилида ёзилган. “MIHNATKAŞLAR DEPUTATLARININ QZIL BAJRAQ ORDENLI TAŞKENT ŞAHAR SOVETİNİN İÇRAIYAJA KOMİTETİ” – “ИСПОЛНИТЕЛЬНЫЙ КОМИТЕТ ТАШКЕНТСКОГО ОРДЕНА КРАСНОГО ЗНАМЕНИ ГОРОДСКОГО СОВЕТА ДЕПУТАТОВ ТРУДЯЩИХСЯ” деб ёзилган. Ушбу ёзувлар босма ҳарфларда машинкада терилган лекин хизмат ёзишма хатининг асосий қисми сиёҳли ручка билан қўлда ёзилган ва имзоланган [27].

Хулоса қилиб айтганда, Р-86 фонди йиғмажилдлари таҳлилига кўра қилинганда 3 та рўйхат, 1094 та йиғмажилд ва 40 дан ортиқ ҳужжат турлари мавжуд. Ҳужжатларнинг хронологик даври 1924-1940 йилларни қамраб олади. Ҳужжатлар асосан рус ва ўзбек тилларида кирил, лотин, араб алифбосида қайд этилган бўлиб, ушбу фонд йиғмажилдлари бошқа фонд йиғмажилдларига нисбатан яхши сақланган. Фонд рўйхатларининг илмий маълумотнома аппарати (мундарижа, ташкилот номларининг қисқартмалари,) яхши тузилган бўлиб, тадқиқотнинг ўзига керакли маълумотларни тез ва осон кидириб топиши мумкин. Ушбу ташкилот архив ҳужжатлари Ўзбекистоннинг 1924-1940 йиллар тарихига оид муҳим манба ҳисобланади.

**Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.**

1. Путеводитель по отделу фондов Октябрьской революции и социалистического строительства. //Под ред. Л.М. Ланда –Т., 1960. 231 с
2. Юқоридаги манба 56 варак
3. ЎзМА, Р-86 фонд, 1, 2, 10 рўйхатлар сўнгидаги архив ходимларининг қайдномаси
4. Юқоридаги манба 1, 2, 10 рўйхатлар
5. ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 2599 йиғмажилд, 4 варак
6. ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 2371 йиғмажилд, 5-6 вараклар
7. 7 ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 3706 йиғмажилд, 46 варак
8. ЎзМА, Р-86 фонд, 10 рўйхат, 110 йиғмажилд
9. 9. ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 2371 йиғмажилд, 5-6 вараклар
10. Юқоридаги манба, 50-51 вараклар
11. 11. ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 2371 йиғмажилд, 34 варак
12. 12. ЎзМА, Р-86 фонд, 10 рўйхат, 110 йиғмажилд 24-варак
13. Юқоридаги манба 23-варак
14. Юқоридаги манба 25-варак
15. Юқоридаги манба 12-варак
16. Юқоридаги манба 55-варак
17. Юқоридаги манба 49-варак
18. Юқоридаги манба 54-варак
19. 19. ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 2113<sup>a</sup> – 2115- 2599-йиғмажилдлар
20. 20. ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 2115 йиғмажилд, 7-9 вараклар
21. 21. ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 2115 йиғмажилд, 16-23 вараклар
22. 24. Юқоридаги манба, 45-48 вараклар.
23. 25. Юқоридаги манба, 49-56-60 вараклар
24. 26. ЎзМА, Р-86 фонд, 1 рўйхат, 2113<sup>a</sup> йиғмажилд, 9-13 вараклар
25. 27. ЎзМА, Р-86 фонд, 10 рўйхат, 110 йиғмажилд, 9-варак